

## **6-МАВЗУ. ДАРОМАД САМАРАСИ ВА АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ**


- 1. “Даромад-истеъмол” чизиғи ва унинг таҳлили**
- 2. “Нарх-истеъмол” чизиғи ва унинг таҳлили**
- 3. Нормал ва паст категорияли товарлар учун  
даромад ва алмаштириш самараси**
- 4. Бозор талаби**

*Маъruzachi: и.ф.д., проф. Ш.Мустафакулов*

**ДАРОМАДНИНГ ЎЗГАРИШИ БЮДЖЕТ ЧИЗИФИНИ ПАРАЛЛЕЛ РАВИШДА СИЛЖИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ, НИМА УЧУН ДЕГАНДА, НАРХЛАР НИСБАТИ ЎЗГАРМАЙДИ.**


**ДАРОМАД ОШГАНДА, БЮДЖЕТ ЧИЗИФИ ЎНГГА-ЮҚОРИГА СИЛЖИЙДИ, КАМАЙГАНДА ПАСТГА-ЧАПГА СИЛЖИЙДИ.**

**РЕАЛ ДАРОМАДНИНГ ЎСИШИ НАТИЖАСИДА БЮДЖЕТ ЧИЗИФИ  $A_1, A_2, A_3, \dots, A_N$  ХОЛАТЛАРГА КЕТМА-КЕТ СИЛЖИЙДИ.**



Қалам соядаги сўзларни ёруғликка олиб чиқади. *Рамон Гомес де ла Серна*

НЕМИС ОЛИМИ ЭРНСТ ЭНГЕЛЬ (1821-1896) БИРИНЧИ БҮЛІБ  
ДАРОМАД ЎЗГАРИШИННИҢ ИСТЕМЕЛ ТАРКИБИГА ТАЪСИРИНИ  
ТАДҚИҚ ҚИЛГАН. ТОВАРЛАР ТАРКИБИНИҢ ДАРОМАДГА НИСБАТАН  
ЎЗГАРИШИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЧИЗИҚЛАР,  
**ЭНГЕЛЬ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРИ** ДЕЙИЛАДИ.




Акс-садо билан баҳслашма: барибир сўнгги сўзни у айтади! **Рамон Гомес де ла Серна**

ЭНДИ ДАРОМАДНИ ЎЗГАРМАС ВА НЕЪМАТЛАРДАН БИТТАСИНИ, МАСАЛАН,  $X_1$  НЕЪМАТНИНГ НАРХИНИ ЎЗГАРУВЧАН, ДЕБ ҚАРАЙМИЗ.


ФАРАЗ ҚИЛАЙЛИК  $X_1$  НЕЪМАТНИНГ НАРХИ ( $P$ ) КЕТМА-КЕТ КАМАЙИБ БОРМОҚДА, ЯЬНИ  $P > P_1 > P_2 > P_3$ , ВА ҲОКАЗО.

ГРАФИКДА НАРХНИНГ БУНДАЙ ЎЗГАРИШИ, БЮДЖЕТ ЧИЗИГИНИ АВ ҲОЛАТДАН  $AB_1$ ,  $AB_2$  ВА  $AB_3$ , ҲОЛАТГА СИЛЖИТАДИ.



Ҳақиқатни доимо тақрорлаб туриш зарур, чунки бизга адашишни ҳам доимо эслатиб туришади. *Гёте*

**НАРХНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ПАСАЙИШИ:**  
**БИРИНЧИДАН, РЕАЛ ДАРОМАДНИ ОШИРАДИ, НАТИЖАДА БЕФАРҚЛИК ЭГРИ ЧИЗИФИ  
СИЛЖИЙДИ ВА ИСТЕМОЛЧИ СОТИБ ОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН НЕЬМАТЛАР**  
**ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ;**  
**ИККИНЧИДАН, НАРХЛАР НИСБАТИНИ ЎЗГАРТИРАДИ ВА БИР НЕЬМАТ (Б) БИЛАН БОШҚА  
НЕЬМАТ (А) АЛМАШТИРИЛАДИ.**



**ДАРОМАД САМАРАСИ** – НЕЪМАТ НАРХИНинг йўзгариши (алмашиш  
САМАРАСИ ҳисобга олинмаганда) натижасида реал даромад  
йўзгаришининг истеъмолчи талабига таъсиридир.

**ДАРОМАД САМАРАСИ** – ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ СОТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИНИ  
ошганлигини кўрсатади ва у бир бюджет чизифидан бошқа  
бюджет чизигига истеъмолчининг оптимал товарлар  
мажмуасини ўтишини акслантиради.

\*\*\*\*

**АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ** – нафлик даражаси йўзгармаганда,  
товарлар нархи йўзгариши муносабати билан истеъмол товарлари  
талаби таркибининг йўзгаришидир.


**АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ** – неъмат нархининг йўзгариши  
натижасида **Б** неъматни қўшимча **А** неъмат билан  
алмаштирилишини ифодалайди.

БУ АЛМАШТИРИШ БЕФАРКЛИК ЭГРИ ЧИЗИГИ **U<sub>1</sub>** БЎЙИЧА БЎЛАДИ.

## БОЗОР ТАЛАБИ

Бозор талаби алоҳида бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талаблари йиғиндиси билан аниқланади.

Бозор талаби чизиги маълум бир бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талаблари чизиқларини қўшиш орқали олиниши мумкин.



Истеъмолчилар/озик-овқат нархи ( $P$ ), сўм	A	B	V	Умумий бозор талаби, бирлиқда
10000	4	6	8	18
20000	3	5	7	15
30000	2	4	6	12
40000	1	3	5	9
50000	0	2	4	6

Бозор талаби чизигини ва шу билан бирга индивидуал талаб чизигини ифодалашда товарларнинг нарх бўйича эластиклик коэффициентидан фойдаланиш мумкин. Агар талаб нарх бўйича эластик бўлса, нархнинг пасайиши истеъмолчини товардан кўпроқ сотиб олишга ундаиди. **Натижада истеъмолчининг товар сотиб олишга сарфи ўсади, нарх ошганда истеъмолчи сарфи камаяди.**

Агар талаб эластик бўлмаса, нарх ошганда истеъмолчи сарфи ҳам ошади, нарх пасайганда камаяди.

Борди-ю талаб **бирлик эластикликка** эга бўлса, нарх ошганда ҳам, ошмаганда ҳам истеъмолчининг товар сотиб олиш сарфи ўзгармайди.

# **Хулқ-атвор иқтисодиёти бўйича тадқиқот олиб борган олимлар**

**Джон Ванамейкер**

**Евгений Слуцкий**

**Джон Хикс**

**Роберт Алан**

**Ричард Талер**

**Даниэль Канеман**

**Г.Госсен**

**У.Жевонс**

**К.Менгер**

**Л.Вальрас**

**Ф.Визер**



# ҮЙГА ВАЗИФА

ТУЙГУННИНГ ДАРОМАДИ – 190 000 СҮМГА ТЕНГ.  
УШБУ ДАРОМАДИГА САРИЁФ ВА ДУДЛАНГАН ГҮШТ ИСТЕЙМОЛ ҚИЛМОҚЧИ.  
400 ГРАММЛИК ҚИЛИБ ЎРАЛГАН САРИЁФ 9200 СҮМ,  
ДУДЛАНГАН ГҮШТ 26000 СҮМГА ТЕНГ.  
НАФЛИК ФУНКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИЧА БЕРИЛГАН

$$U = 2^*XY$$

БУ ЕРДА: X - САРИЁФ; Y – ДУДЛАНГАН ГҮШТ  
САРИЁФ НАРХИ 7200 СҮМГА ТУШДИ  
**АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ, ДАРОМАД САМАРАСИ ВА  
УМУМИЙ САМАРА ҲИСОБЛАНСИН.**

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ!**